


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош Давлат санитария ва ҳайъат раиси,**  
**ҳайъат раиси**



  
\_\_\_\_\_ **Б. Юсупалиев**  
**2023 йил 20 июль**

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати йиғилиш**  
**2-сон БАЁНИ**

**2023 йил 20 июль**

**Тошкент ш.**

- Раислик қилувчи:** - **Б.Қ. Юсупалиев** - Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария ва ҳайъат раиси, Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси.
- Иштирок этдилар:** - Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати аъзолари, Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг марказий аппарати, таркибий муассасалар раҳбарлари ва тегишли масъул мутахассислари.  
*(руйхат буйича марказий ва ҳудудий студиялардан)*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъатини қайта ташкил этиш, таркиби ва низомини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори билан белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида.
3. Республикада қайд этилаётган ўткир юқумли ичак касалликлари таҳлили, юқумли касалликлар шифохоналарида кузатилаётган муаммолар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикасида (шу жумладан, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида) гельминтозлар профилактикаси буйича 2022-2023 йиллар давомида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳолати тўғрисида.

(Юсупалиев, Норбоев, Икрамов, Таджиев, Юсупалиев)

Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария ва ҳайъат раиси томонидан Ўзбекистон Республика Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро ҳокимияти органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”

ПФ-14-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-197-сонли қарори қабул қилиниши баробарида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ташкилий тузилмаси тасдиқланганлиги, тузилма ва функционал йўналишларда трансформация жараёнларини амалга ошириш зарурлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъатини қайта ташкил этиш, таркиби ва низомини тасдиқлаш бўйича таклиф киритилди, йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланган ҳолда, тасдиқланди.

Ҳайъат кун тартибида муҳокама қилинадиган масалалар билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди, аъзолар томонидан эътирозлар билдирилмади ва маъқулланган ҳолда, тасдиқланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори билан белгиланган вазифалар ижроси бўйича:**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Норбоевнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори билан белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида”ги маърузасини маърузасини тинглаб, муҳокама қилинган ҳолда қуйидагилар таъкидланди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги ПҚ-243-сон қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 1 майдаги “Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг “В” ва “С” турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 95-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, ўтказилган мониторинг қатор хато ва камчиликлар аниқланган. Жумладан, Тошкент шаҳрида (15,5%), Андижон (22,5%), Фарғона (23%) ва Тошкент (40%) вилоятларида скрининг текширувлари суст олиб борилмоқда.

Худудларда маълумотларни [gepatit.ssv.uz](http://gepatit.ssv.uz) тизимига киритишда камчиликлар мавжуд, ПЗР таҳлиллари натижалари электрон тизимга киритилмаяпти, ушбу беморларнинг қон намуналари Санэпидқўмнинг худудий бошқармалар вирусология лабораторияларига етказиб бериш ишлари ташкиллаштирилмаган.

2023 йилнинг 17 июль ҳолатига электрон тизимга жами 284 237 нафар шахслар тўғрисида маълумотлар киритилган. Улардан 276 503

нафари вирусли гепатитнинг В турига скринингдан ўтказилган. Скринингдан ўтказилган шахсларнинг 10 246 нафарида (3,7%) вирусли гепатит “В”га мусбат натижа аниқланган.

Шу билан бирга, ҳудудларда маълумотларни [gepatit.ssv.uz](http://gepatit.ssv.uz) тизимига киритишда камчиликлар мавжуд.

Тошкент шаҳар, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Навоий ва Сирдарё вилоятларида поликлиника ходимлари томонидан скринингдан ўтган фуқароларнинг маълумотлари электрон тизимга кунлик равишда киритилмайди.

Мисол учун, Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг маълумотларига кўра, 2023 йил 5 июль ҳолатига вилоятда 14 430 нафар фуқаро вирусли гепатит В ва 14 267 нафар фуқаро вирусли гепатитнинг С турига скринингдан ўтказилган. Аммо тизимга вирусли гепатитнинг В турига 6 384 нафар фуқаролар ва вирусли гепатит С турига скринингдан ўтказилган 6 381 нафар фуқаролар тўғрисида маълумот киритилган. Бекобод шаҳар, Янгийўл шаҳар, Бекобод, Бўка ва Оққўрғон туманида тизимга умуман маълумотлар киритилмаган.

Андижон вилоятида аҳолини скринингга жалб қилиш чора-тадбирлари жуда суст олиб борилмоқда ва туманлар скрининг билан тўлиқ қамраб олинмаган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг шаҳар ва туман бўлимларининг мутахассислари томонидан вирусли гепатит В ва С турларига скрининг натижаларига кўра мусбат аниқланган ҳолатлар тўғрисида шошилиш хабарномалар берилиши назоратга олинмаганлиги сабабли ҳолатлар тўлиқ рўйхатга олинмаган (Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти).

Аниқланган ҳолатлар бўйича эпидемиологик суриштирувлар ўтказилмайди ёки юзаки ўтказилади (Бухоро вилояти Гиждувон тумани). Аниқланган беморлар билан яқин мулоқотда бўлганлар текширувларга жалб қилинмаган.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги ПҚ-243-сон қарори билан белгиланган вазифаларни самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати **қарор қилади:**

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Норбоевнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-243-сонли қарори билан белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида”ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:**

ҳудудларда вирусли гепатитнинг В ва С турларига скрининг текшируви ўтказилишини жадаллаштирилсин;

поликлиникаларда вирусли гепатитнинг В ва С турларига текширилган фуқароларнинг маълумотларини электрон дастурга ўз вақтида ва тўғри киритилишини қатъий назоратга олсин;

поликлиникаларда ва гепатомарказларда вирусли гепатитнинг В ва С тури аниқланиши билан ўз вақтида ҳудудий Санэпидқўмитанинг туман (шаҳар) бўлимларига тезкор хабарномалар берилишини қаттиқ назоратга олсин;

поликлиникаларда антиген вирусли гепатитнинг С тури бўйича антиген экспресс тест жараёнида мусбат натижа қайд этилган ва турли сабаблар билан гепатомарказларга бормаган фуқароларни туман даражасида қон олиб, гепатомарказ ва Санэпидқўм ҳудудий бошқармаларининг вирусология лабораторияларига юборилишини ташкиллаштирсин.

**3. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар юқумли касалликлар шифохоналари бош врачлари:**

гепатомарказлардан беморларни тўғридан-тўғри юборишни ман қилиниб, ПЗР учун олинган қон намуналари пробиркага маркировка қилинган ҳолда, Санитария-эпидемиология қўмитасининг лабораториясига юбориш ташкил қилинсин;

гепатомарказлардан беморлардан ПЗР учун пробиркага маркировка қилиб олинган қон намуналари Санитария-эпидемиология хизматининг лабораториясига ҳар куни етказиб берилиши учун гепатомарказлар томонидан 1 та автомобиль ва 1 нафар масъул шахс тайинлансин;

оилавий поликлиникалар умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари гепатит вирус аниқланган беморларни гепатомарказларга мутахассис шифокор маслаҳатига боришини қатъий назоратга олиши ташкил этилсин;

оилавий поликлиникалар умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари томонидан гепатит вирус аниқланган беморларни вирусга қарши дориларни қабул қилишини камида ҳафтада бир маротаба назорати амалга оширилсин;

гепатит вирус аниқланган ҳолда оилавий поликлиника томонидан санитария-эпидемиология бўлимларига хабарнома тақдим қилинган бемор билан яқин мулоқатда бўлганлар скрининг учун жалб қилиниши ҳар бир туман Санитария-эпидемиология қўмитаси ходимлари ва поликлиника мудирлари томонидан қатъий назоратга олинсин;

вирусга қарши дориларни қабул қилиш тавсия қилинган беморларни назоратини таъминлаш мақсадида гепатомарказлар, оилавий поликлиникалар ва Санитария-эпидемиология кўмитаси билан кунлик ахборот алмашинуви йўлга қўйилсин.

**Республикада қайд этилаётган ўткир юқумли ичак касалликлари таҳлили, юқумли касалликлар шифохоналарида кузатилаётган муаммолар ва келгусидаги вазифалар бўйича:**

ЖССТ маълумотларига кўра, жаҳонда ҳар йили 1-1,2 млрд диарея касалликлари билан оғриган беморлар рўйхатга олинади, улардан 5-10 млн беморлар вафот этади.

Республикада 2022 йилда қайд этилган жами юқумли касалликлар ичида (грипп ва УРИдан ташқари) ўткир юқумли ичак инфекциялари юқори кўрсаткичда бўлиб, 43,1 фоизни ташкил этган ва етакчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ўткир юқумли ичак касалликлари 1,6 маротабага ўсиши кузатилди (2021й. – 37488 ҳолат, инт.кўр. 106,0; 2022й.- 58372 ҳолат, инт. кўр. 165,5). 2022 йилда ўткир юқумли ичак касалликлари бўйича юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида – 523,5, Тошкент вилоятида - 235,4ни, Самарқанд вилоятида – 203,5ни ва Қорақалпоғистон Республикасида – 218,8ни ташкил этиб, республика кўрсаткичидан юқори бўлган.

Умумий касалланганлар орасида энг кўп фаол эпидемик жараённи 1 ёшгача бўлган болалар эгаллаб, уларда касалланиш кўрсаткичи ушбу ёшдаги 100 минг болаларга нисбатан 1500,3ни, 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар орасида эса 1149,7ни ташкил қилган.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, аҳоли ўртасида ўткир диарея касалликларининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати **қарор қилади:**

1. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология микробиология юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори Б.М.Таджиевнинг республикада қайд этилаётган ўткир юқумли ичак касалликлари таҳлили, юқумли касалликлар шифохоналарида кузатилаётган муаммолар ва келгусидаги вазифалар тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фарғона, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида юқумли касалликлар шифохоналари/бўлимларида, оилавий поликлиникаларида ўткир юқумли ичак касалликларини даволаш бўйича олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори (Б.М.Таджиев), юқумли касалликлар

## **шифохоналари бош врачлари, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси юқумли касалликлар шифохоналари бош врачлари:**

2023 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 25 мартдаги “Республика аҳолиси ўртасида ич терлама, паратиф, сальмонеллез ва ўткир ичак касалликларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 122-сонли буйруғи қайта кўриб чиқилсин, буйруққа клиника, ташҳисот, беморларни даволаш ва диспансеризация қилиш бўлимлари киритилиши таъминлансин;

соғлиқни сақлаш органларига юқумли касалликларнинг ойлик динамикасини юритиш, ўткир ичак инфекциялари, ўлим ҳолатлари, ўлим ҳолатларининг кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилиниши таъминлансин;

юқумли касалликлар шифохоналари/бўлимлари, юқумли касалликлар кабинети техник база ҳолатини мунтазам таҳлили этиш, уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, улар диагностика ум ва даволаш воситалари билан таъминлансин;

юқумли касалликлар хизмати кўрсатиш муассасаларига янги тиббий технология, диагностика ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш таъминлансин;

юқумли касалликлар диагностикаси ва даво чораларини яхшилаш мақсадида, умумий амалиёт врачларининг (педиатр, терапевт ва ҳ.к) илмий салоҳиятини ошириш мақсадида доимий семинар ўтказишни таъминлаш;

ҳар ойнинг 10 санасигача вилоятлардан туман (шаҳар)лар кесимида нозологик шакллар бўйича юқумли касалликлар билан касалланган ва даволанган беморлар ҳақида ҳисоботларни умумлаштириб, республика Санитария-эпидемиология қўмитасининг эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин;

жойларда ўткир диарея касалликларининг ташҳисоти, даволаш усуллари, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда ўтказишда амалий-услубий ёрдам кўрсатилиши таъминлансин.

эпидемик мавсум даврида орал регидратация пунктларини фаолияти устидан назорат олиб борилиши таъминлансин;

ҳар ойда юқумли касалликлар хизмати ва барча даражадаги санитария-эпидемиология бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик масалалари, шу жумладан юқумли касалликларнинг мавсумий ўсишига қараб муҳокама қилиш тизимли олиб борилсин;

ўткир юқумли ичак касалликларни тўлиқ рўйхатга олиниши ва ҳисобот ойнанинг 28-29 саналарида юқумли касалликлар шифохоналарига (бўлимлари) ётқизилган ва касаллик тасдиқланган беморлар тўғрисидаги маълумотларни солиштирилиши таъминлансин;

туман бактериологик лабораториялари қошида ЎИЮК микробиологик ташхисотида молекуляр генетик усуллари қўллаш амалиётга киритиш ҳамда ҳисобот шакллари қайта қўриб чиқиш;

барча ҳудудларда лаборатория амалиётига клиник микробиология талаблари босқичма-босқич киритиш;

**4. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари:**

ўткир юқумли ичак касалликлари, жумладан сальмонеллез, бактериал ичбуруғ билан гуруҳли касалланиш ўчоқларида сифатли эпидемиологик текширишлар ўтказилиши, айниқса уюшган жамоаларда ва эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган объектларда, юқиш манбалари ва омиллари аниқланиши, мулоқотда бўлганларни текширилиши ва ташқи муҳит объектларидан лаборатор текширувлари учун намуналар олиниши таъминлансин;

эпидемик мавсум даврида орал регидратация пунктларини фаолияти устидан назорат олиб борилиши таъминлансин;

ҳар ойда барча даражадаги санитария-эпидемиология бошқарма ва бўлимлари ҳамда юқумли касалликлар хизмати раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик масалалари, шу жумладан юқумли касалликларнинг мавсумий ўсишига қараб муҳокама қилиш тизимли олиб борилсин;

республиканинг барча туманларида ўткир юқумли ичак касалликларни тўлиқ рўйхатга олиниши ва ҳисобот ойининг 28-29 саналарида юқумли касалликлар шифохоналарига (бўлимлари) ётқизилган ва касаллик тасдиқланган беморлар тўғрисидаги маълумотларни солиштирилиши таъминлансин;

бактериологик лабораторияларнинг моддий-техник базасини тизимли равишда мустаҳкамлаш, мавжуд ускуналарга техник хизмат кўрсатишни ташкил этилсин;

бактериологик лабораториялари қошида ЎИЮК микробиологик ташхисотида молекуляр генетик усуллари қўллаш амалиётга киритилсин ҳамда ҳисобот шакллари қайта қўриб чиқилсин;

бактериологик лабораториялар амалиётига клиник микробиология талаблари босқичма-босқич киритилсин;

Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан ДПМ (ТТБ) лабораториялари иш фаолияти сифати назоратининг қонуний асослари ва шакиллари ишлаб чиқилсин.

**5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:**

бактериологик лабораторияларнинг моддий-техник базасини тизимли равишда мустаҳкамлаш ва зарур озуқа муҳитлари ва реагентлар билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

**6. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори (Б.М.Таджиев):**

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарда даволаш-профилактика муассасалари ва Санэпидқўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари бактериология лабораториялари мутахассисларини “Сифат назорати тизимини татбиқ этиш” бўйича ўқитиш графигини ишлаб чиқиб, ўқитиш жараёнларини ташкил этсин;

жорий йилнинг 15 августига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохоналарида даволанган юқумли касалликлар беморлари тўғрисидаги ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тизимини татбиқ этилсин.

**7. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари (Х.Н.Норбоев):**

ичбуруғ, сальмонеллез ва ўткир юқумли ичак касалликлари олдини олиш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар устидан доимий назорат ўрнатилсин;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқарма бошлиқларига ичбуруғ, сальмонеллез ва ўткир юқумли ичак касалликлари олдини олиш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиб борилсин;

аҳоли ўртасида УЮИК касаллигини олдини олиш бўйича оммавий-ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг қўламда тарғибот ишлари ташкил этилсин;

жорий йилнинг 1 октябрсанасига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 13 декабрдаги “Айрим юқумли ва паразитар касалликларни рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 630-сонли буйруғи қайта ишлаб чиқилсин.

***Ўзбекистон Республикасида (шу жумладан, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида) гельминтозлар профилактикаси бўйича 2022-2023 йиллар давомида олиб борилаётган чора-тадбирлар бўйича:***

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Эпидемиология ва юқумли касалликлар бошқармаси бошлиғи Р.Икрамовнинг “Республикада гельминтоз касаллиги бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг Бухоро, Навоий, Сирдарё, Фарғона

вилоятлари мисолида тўғрисида”ги маърузасини тинглаб, муҳокама қилинган ҳолда қуйидагилар таъкидланди:

Республикада паразитар касалликлар орасида гельминтозлар етакчи ўринни эгаллайди, улар барча паразитар касалликларнинг 99,0 фоизни ташкил қилади.

Республикада гельминтозлар билан зарарланиш 2,4 фоизни ташкил қилиб, айрим вилоятларда гельминтозлар билан зарарланиш ўртача республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқориликча қолмоқда: Сурхондарёда 8,5 фоиз, Фарғонада 4,5 фоиз, Наманганда 3,7 фоиз, Навоийда 2,9 фоиз ва Қашқадарёда 2,8 фоизни ташкил этади. Энг кам аниқланиш ҳали ҳам Хоразмда - 0,4%; Андижон ва Бухоро вилоятлари - 1,1%; Тошкент шаҳрида - 1%, бу амалдаги ҳолатга тўғри келмайди. Текширилган мактаб ўқувчиларининг 86,5% ва мактабгача таълим муассасаларининг 86,0% тарбияланувчиларида гельминтоз инвазияси билан касалланиш аниқланган.

Биогельминтозлар билан касалланиш камайганлигига қарамай, эхинококкоз (100 минг аҳолига 1,4; 2021 йил - 1,3) ва тениаринхоз (100 минг аҳолига 0,7; 2021 йилда - 0,8) касалликлари соғлиқни сақлашнинг муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. 2022 йилда эхинококкоз билан касалланиш 6,7%га ошди, 2023 йил 5 ойида 10 фоизга ўсди (100 минг аҳолига 268,4 дан 296,7 гача).

2022 йилда эхинококкоз ва бошқа гельминтларни эрта аниқлаш мақсадида фақат Наманган, Навоий вилоятлари бошқармасининг паразитологик лабораторияларида ҳамда Сурхондарё вилояти ДПМлари клиник лабораторияларида серологик тадқиқотлар ўтказилди. Фасцилез ва (Фарғона вилояти бундан мустасно) ва токсокарознинг аниқланиши бўйича ҳам аналогик ҳолат кузатилди.

Паразитологик ва клиник лабораторияларда ичак гельминтиозлари текширувларида асосан эски, паст самарали натив усул қўлланилади. Ичак гельминтиозлари ва протозоозларини лаборатория диагностикасининг эфир-уксусли, эфир-формалинли, кимёвий-седиментация каби замонавий усуллари жорий этилмаган ва амалда қўлланилмайди.

Геогельминтлар билан касалланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда: Тошкент, Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ, очиқ сув ҳавзаларидаги сув, сабзавот, мева, кўкатларни санитария-гельминтологик текшириш жараёнида гельминт тухумлари аниқланмаган. Жиззах, Самарқанд, Хоразмда аниқлаш даражаси пастлиги - ҳар бири 0,1%, Навоий ва Сирдарё - 0,4%, Бухоро вилояти - 0,8%ни ташкил этади.

Текширилган ҳудудларда тиббий кенгаш йиғилишларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 25 мартдаги 121-сонли буйруғи ижроси, асосан, безгакни олдини олиш тадбирлари муҳокама қилинган,

текширув далолатномалари тўлиқ тўлдирилмаган, эпидемиологик хариталарни тўлдириш қониқарсиз.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, аҳоли ўртасида гельминтоз касалликларининг тарқалишини олдини олиш мақсадида, Санитария-эпидемиология ҳайъати **қарор қилади:**

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Эпидемиология ва юқумли касалликлар бошқармаси бошлиғи Р.Икрамовнинг “Республикада гельминтоз касаллиги бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг Бухоро, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятлари мисолида тўғрисида”ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бошқармалари томонидан гельминтозлар профилактикаси ва эпидемияга қарши чора-тадбирлари ўтказилиши бўйича фаолияти қониқарсиз деб ҳисоблансин ва бошқармалар бошлиқлари (**Тўхтаев Рустамов, Ҳасанов, Маликов**)га **жиддий кўрсатиб ўтилсин;**

3. Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бошқармалари бошлиқларининг эпидемиология масалалари бўйича ўринбосарлари (**Носирова, Ҳасанов, Азимов, Якубов**), Паразитология бўлимлари бошлиқлари (**Очилова, Шерназарова, Шодиев, Шокиров**)га “**ҳайфсан**” интизомий чоралари қўлланилсин.

4. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Бухоро, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятлар бошқармалари бошлиқлари (**Тўхтаев Рустамов, Ҳасанов, Маликов**):

аниқланган камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни бартараф қилиш режасини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва нусҳаси Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги кўмитасига тақдим этсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 25 мартдаги “Республикада паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 121-сонли буйруғи талаблари бажарилишини таъминласин;

барча туман (шаҳар) бўлимларининг паразитология бўлими ва лабораторияси ходимлари ўртасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 121-сонли буйруғининг 4-, 6-иловалари қайта ишлаб чиқилсин.

даволаш-профилактика муассасаларида гельминтозлар ва бошқа паразитар касалликларнинг даволаш-профилактика ва эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирлари амалга оширилиши устидан назорат ва ташкилий-услубий раҳбарлик кучайтирилсин;

паразитология бўлимларида йиллик иш режасини аниқ тадбирлар ва ижрочилар билан қайта кўриб чиқилсин, уларнинг бажарилиши таъминлансин;

паразитар касалликларни рўйхатга олинганда 60-шакл, эпидемиологик хариталарни сифатли тўлдирган ҳолда тўлиқ эпидемиологик текширув ўтказилиши таъминлансин;

болалар таълим муассасаларида болаларни режалаштирилган лаборатория текширувларини тўлиқ ва ўз вақтида қамраб олишни таъминлаш ва кейинчалик соғломлаштириш назорат қилинсин;

паразитар касалликларни камайтириш мақсадида ветеринария хизмати, халқ таълими бўлимлари, ҳокимликлар, маҳаллалар ва бошқалар билан идоралараро ишларни яхшилаш чоралари кўрилсин;

паразитологик лабораторияларда ичак гельминтозлари ва протозоозларини лаборатория диагностикасининг замонавий самарали усуллари жорий этилсин;

озик-овқат маҳсулотлари, сув (канализация, очиқ сув ҳавзалари, сузиш ҳавзалари) ва тупроқни паразитар касалликлари қўзғатувчиларига режали ва эпид. кўрсатмага асосан санитария-паразитологик текширувларини хажми ва сифати даражасини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритилсин. Мактабгача таълим муассасалари, ўйин майдонларидаги тупроқ текширувларига эътибор қаратилсин;

паразитологик лабораторияларни ўқув лаборатория препаратлари, зарур иш жиҳозлари, сарф материаллари ва кимёвий реактивлар билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

паразитология бўлимларини малакали кадрлар, айниқса паразитолог ва лаборантлар билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

аҳоли ўртасида гельминтозларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари кучайтирилсин;

уч ойдан кейин барча ҳудудий бошқармаларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти ўрганилсин ва натижаси бўйича таклифлар киритилсин.

#### **5. Бошлиқнинг биринчи ўринбосари (Х.Н.Норбоев):**

ичак гелминтозлари ва протозоозларини лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини (концентрациялаш, чўктириш) жорий этиш, кейинчалик ушбу усулларнинг республика паразитология лабораторияларида жорий этилиши устидан назорат амалга оширилсин;

Вертикал бўйича паразитология йўналиши фаолиятини 2023 йил 15 августгача Республика паразитологик референс лабораторияси базасида ҳудудий бошқармалар мутахасисслари билан гельминтозларни концентрациялаш, чўктириш лаборатория диагностика усуллари бўйича амалий машғулотлар ташкил этилсин.

**6. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология ва юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий**

**тиббиёт маркази директори (Б.М.Таджиев), Л.М.Исаев номли тиббий паразитология ИТИ директори в.б. (Л.Б.Махмудова):**

паразитар касалликларнинг лаборатория ва клиник диагностикаси, даволаш, диспансер кузатуви ва профилактикаси бўйича ДПМлар тиббий ходимларига амалий услубий ёрдам кўратиб борилсин;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг паразитология бўлимларига паразитозларнинг лаборатория диагностикаси, унга қарши курашиш ва олдини олиш тадбирлари масалалари бўйича консултатив амалий ёрдам кўрсатилсин.

7. Мазкур қарор ижроси юзасидан назорат бошлиқнинг биринчи ўринбосари Х.Норбоев зиммасига юклансин.

Ҳайъат котиби



Н. Ташбаев